

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53408-3.20

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340800 - "Солиқлар ва
солиққа тортиш" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Альмардонов М.,
к.ўқ. Шодиев О.

Такризчилар: доц. Хўжаев Р.,
доц. Қўзиева Н.

"Мутахассисликка кириш" фани бўйича ҳар бир талаба ўз билимларини ошириб бориш учун турли фанларни ўқитиш методикасига оид қўлланмалар, солиқларнинг ҳар бир тури бўйича мавжуд йўриқномалар, тушунтириш хатлари, кўрсатмалар, солиққа оид қўлланмалар, қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан мунтазам танишиб, ўрганиб бориши лозим.

Основной целью учебной дисциплины "Введение в специальность" является ознакомление студентов такими элементами как изучение действующих методических рекомендаций, сущности действующей налоговой системы, роли, места и значения кадров налоговой системы в управлении экономикой страны, действующие нормативно-правовые акты, регулирующие налоговые отношения между государством и налогоплательщиками, нормативные акты и методические указания, относящиеся к конкретным налогам.

Subject of "taxes and taxation" is thought as specialized subjects of "taxes and taxation" based on High education's state standards. In process of teaching this subject, character of taxes and nontax payments of juridical and corporal persons, calculation of taxes and nontax payments and orders of paying to budget are lightened. Especially calculation of taxes and nontax payments of juridical and corporal persons, presentation of calculations and orders of payments are learned practically and deeply. This example program is approved and confirmed by Ministry of High and Secondary Education of Republic of Uzbekistan.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фанини ўқитишдан асосий мақсад талабаларга ўз ихтисосликлари бўйича билимларни чуқурроқ ўргатишдир. Фаннинг олдида қўйилган асосий вазифа талабаларда солиқларнинг ҳар бир турининг ўзига хос-хусусиятларини теран эгаллашнинг самарали йўллари ўргатишдан иборатдир.

"Мутахассисликка кириш" фани "Солиқ назарияси", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Иқтисодиёт назариясини ўқитиш методикаси", "Давлат молиясини ўқитиш методикаси", "Корхоналар молиясини ўқитиш методикаси", "Махсус фанларни ўқитиш методикаси" ҳамда "Молия назарияси", "Иқтисодиёт назарияси" "Иқтисодий (молиявий) таҳлил", "Педагогика", "Психология" каби фанлар билан чамбарчас боғлиқлик.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

"Мутахассисликка кириш" фани бўйича ҳар бир талаба ўз билимларини ошириб бориш учун турли фанларни ўқитиш методикасига оид, солиқларнинг ҳар бир тури бўйича қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан мунтазам танишиб бориши лозим.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишларнинг минимал миқдорига талаблар

Мазкур фанни пухта ўрганиш учун амалий машғулотларда ҳар бир солиқ тури бўйича кўргазмали ўқув қуроллари ва компьютер воситаларидан, фанни ўқитиш методикасининг янги технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 54, шу жумладан, 17-маъруза, 18 амалий, 18 мустақил таълим соатлари ажратилган.

"Мутахассисликка кириш" фани ўқув йилининг I-семестрига мўлжалланган. Фанни ўқитиш юзасидан услубий тавсиялар сифатида фаннинг моҳиятини тўлароқ очиб беришни таъминловчи маъруза ва амалий машғулотларни талабаларни амалий ҳаётда юзага келадиган муаммо ва янгиликлардан бохабар қилиб бориш учун маслаҳат соатларни, фаннинг методологик қирраларини чуқурроқ таҳлил этиш учун курс иши, мустақил таълим ва мустақил ишларни кўрсатиш мумкин.

Талабалар билимини баҳолаш мақсадида ўтказиладиган назорат тадбирлари микдори

"Мутахассисликка кириш" фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш икки марта оралик, икки марта жорий ҳамда якуний назорат шаклларида ўтказилади. Якуний назорат ёзма иш шаклида ташкил этилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитишда компьютерлардан, аудио ва видео жиҳозлардан, дипроектор ва кодоскоплардан, шунингдек, дарс давомида жадваллар, слайдлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Мутахассисликка кириш" фани бўйича ўқитиладиган маърузалар мавзу

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитишнинг ташкилий-методик асослари

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Ўқитиш методикасида умумийлик ва ўзига хослик. *Мутахассисликка кириш фанини ўқитиш методикасининг ўзига хослиги.*

Ўқув жараёнини бошқаришнинг илмий асослари. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фанини муаммоли ўқитиш. Ўқув материали мазмуни ва уни баён қилиш муаммолари. Ўқитишнинг асосий шакллари. Маъруза - ўқув жараёнининг асосий бўғинидир. Маърузанинг шакллари. Маърузага тайёргарлик кўриш. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанларидан маъруза режаси ва матнини тузиш қоидалари. Назарий ва амалий материаллар ўртасидаги нисбат. Кўргазмали қуроллар тайёрлаш. Материаллар баёнининг асослилиги ва тушунарлилиги. Маърузанинг кўргазмалилиги. *Нотиқлик санъати услублари. Нутқ маданияти. Амалиёт— билимларнинг мустаҳкамлишни таъминловчи ва талабаларнинг ижодий қобилиятларини намоён қилувчи ўқув шакли сифатида.* Амалий машғулотнинг мақсад ва вазифалари. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанларини ўқитишда маъруза ва амалий машғулотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг мавзуларидаги мантиқий бирлик. Амалий машғулотларнинг шакллари ва унга тайёргарлик кўриш усуллари. Адабиётларни танлаш ва ўрганиш тамойиллари. Амалий машғулотларни кўргазмали қуроллар ва техник воситалар асосида ўқитиш дидактиканинг муҳим тамойили сифатида. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанларини ўқитишда кўргазмали қуролларнинг ўрни

ва роли. Кўргазмали қуроллар ва ўқув воситаларининг турлари. Ўқув машиналаридан фойдаланишнинг асосий шакллари.

Ўқув жараёнида мустақил ишнинг ўрни ва роли. Талабалар мустақил ишини режаслаштириши ва ташкил этишнинг мақсади, вазифалари. Мустақил ишларни ташкил этиш омиллари. Талабанинг илмий ишлари (реферат, курс иши ва битирув малакавий иш)га раҳбарлик қилишнинг асосий қоидалари.

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш жараёнида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси

Ўқув жараёнида назоратнинг ўрни ва роли. Назоратнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Назоратнинг асосий тамойиллари. Талабалар билимини текшириш ва унинг вазифалари. Маслаҳат соатининг ўқув жараёнидаги роли. Жорий ишлари натижалари бўйича талабалар билимини синаш. Табақалаштирувчи (баҳоли) синовлар. Рейтинг тизимининг моҳияти.

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш методикаси ва унинг ўзига хослиги. Фаннинг предмети ва уни ўрганиш усуллари. "Мутахассисликка кириш" фанининг предмети ва вазифалари. *Ўқитиш методикасида умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик. Методология ва методиканинг узвий бирлиги.* Ўқув жараёнини бошқаришнинг илмий асослари. Билимларни ўзлаштириш, талабаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг узвий бирлиги. Ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этувчи субъект сифатида. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналишидаги ихтисослик фанлар бўйича ўқув материали мазмуни ва уни баён қилиш муаммолари. Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш. Ўқитишнинг асосий шакллари. Аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ўқитиш шакллари.

"Мутахассисликка кириш" фанидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш методикаси

Маъруза - ўқув жараёнининг асосий бўғини эканлиги. *Маърузанинг шакллари. Кириш ва умумий маърузалар. Умумий ва махсус курслар бўйича маърузалар. Умумий (умумлаштирувчи, йўналтирувчи) ва хусусий мақсадга йўналтирилган маъруза. Маърузага тайёргарлик кўриши.* "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанлар юзасидан маъруза режасини тузиш, материаллар йиғиш. Илмий далил тушунчаси. Далил материалларига қўйиладиган талаблар. Маъруза матнини тузиш қоидалари. Кўргазмали қуроллар, жадвал – диаграмма, тасвир ва чизмаларни тайёрлаш. Маърузага қўйиладиган асосий талаблар. Маъруза материалларини муаммоли тузиш ва баён қилиш. Материал баёнининг асослилиги ва тушунарлилиги. Нотиклик санъати услублари ва сўз маданияти. Маърузада

Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро алоқа. Маъруза мазмунининг мутахассисликка кириш фани ўқув дастурига мувофиқлиги.

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитишда кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиш методикаси

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш жараёнида кўргазмали қуролларнинг ўрни ва аҳамияти. *Кўргазмали қуроллар ва ўқув-техник воситалар ёрдамида фойдаланиладиган материаллар танлашнинг асосий қоидалари.* Кўргазмали қуроллар (диаграмма, графика, жадвал, чизма) ва ўқув воситалари (кодоскоп, кинотехника, телевизор, магнитофон, диктофон)нинг турлари. Ўқув машиналаридан фойдаланишнинг асосий шакллари. Ихтисослаштирилган аудиторияларда ўқув, ахборот-техник воситалардан комплекс равишда фойдаланиш. Ўқитувчининг кўргазмали қурол ва ўқув-техник воситалар билан ишлаш қоидалари.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш методикаси

Ўқув жараёнида талабалар мустақил ишларининг аҳамияти ва роли. Мустақил ишни режалаштириш, ташкил қилиш шакллари ва усуллари. *Мутахассисликка кириш фанига таалуқли адабиётлар билан ишлаш малакасини шакллантириши.* Ўқитиш жараёнида тезислар, иқтисодий лугатлар, энциклопедиялар, йўриқномалар, хатлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда статистик маълумотлар билан ишлаш маданияти ва техникаси. Ўқитувчининг рефератлар, курс ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилишга доир услубий қоидалар. Талабаларда фанга ва илмий изланишга қизиқиш ўйғотишда илмий тўғарақларнинг роли ва аҳамияти.

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш жараёнида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш жараёнида назоратнинг ўрни ва роли. Назорат шакллари: семинар машғулоти, ёзма назорат ишлари, курс ишлари, маслаҳатлар, мунозара, коллоквиум, жорий синов, имтиҳон, давлат имтиҳонлари. Барча назорат шакллариининг ўзаро боғлиқлиги. *Назоратнинг асосий тамойиллари: барча талабаларни жалб этиш, дастурий материалларни тўла қамраб олиш, талабаларга табақавий ёндашиш, назоратни талабаларга ёрдам бериш билан қўшиб олиб бориш.* Талабалар билимини текширишнинг вазифалари. Маслаҳат соатининг ўқув жараёнидаги роли. Рейтинг тизимининг моҳияти. Кундалик, оралик ва якуний баҳолашларни ташкил қилиш ва амалга ошириш методикаси.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитишнинг ташкилий-методик асослари

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Ўқиш методикасида умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг хусусиятлари*. Мутахассисликка кириш фанини ўқитиш методикасининг хусусиятлари.

Ўқув жараёнини бошқаришнинг илмий асослари. Ўқув материал мазмуни ва уни баён қилиш муаммолари. Илмий далил тушунчаси. Материаллар баёнининг асослилиги ва тушунарлилиги. Ўқув жараёнида ҳиссий омилнинг роли. Нотиқлик санъати услублари*. Сўз маданияти. "Мутахассисликка кириш" фанини ўқитишда кўргазмалиликнинг ўрни ва роли.

Талабалар мустақил ишини режалаштириш ва ташкил этишининг мақсади, вазифалари. Талабанинг илмий ишлари (реферат, курс иши ва битирув малакавий иши)га раҳбарлик қилишнинг асосий методик қоидалари.

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш жараёнида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш жараёнида назоратнинг ўрни ва роли. Назоратнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Талабалар билимини текшириш ва унинг вазифалари. Маслаҳат соатининг ўқув жараёнидаги роли. Рейтинг тизимининг моҳияти*.

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш методикаси, предмети ва вазифалари. Ўқитиш методикасида умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик. Методология ва методиканинг узвий бирлиги*. Дидактиканинг асосий принциплари ва "Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш жараёнида улардан фойдаланиш.

"Мутахассисликка кириш" фанидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш методикаси

Маъруза - ўқув жараёнининг асосий бўғини эканлиги. Маърузанинг шакллари*. Умумий ва махсус курслар бўйича маърузалар.

Илмий далил тушунчаси. Далил материалларига қўйиладиган талаблар. Маъруза матнини тузиш қоидалари. Кўргазмали куруллар, жадвал – диаграмма, тасвир ва чизмаларни тайёрлаш. Маъруза материалларини муаммоли тузиш ва баён қилиш. Материал баёнининг асослилиги ва тушунарлилиги*. Нотиқлик санъати услублари ва сўз маданияти*.

Амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш методикаси

Амалий машғулотнинг мақсад ва вазифалари. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулот мавзуси саволларининг мантикий бирлиги. Амалий машғулотларнинг шакллари: умумий курс бўйича одатдаги амалий машғулот, мажбурий ва танлов асосидаги машғулотлар*. Амалий машғулотга тайёргарлик кўриш усуллари. Амалий машғулот режасининг асосий элементлари ва уларни тадбиқ қилиш усуллари*.

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанларидан амалий машғулотларда талабалар фаоллигини рағбатлантириш шакллари ва усуллари,* талабалар гуруҳларида баҳслар ташкил этиш, рефератлар ва маърузалар эшитиш, масала ва машқларни ечиш, назоратли ёзма иш ва коллоквиумлар ўтказиш.

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитишда кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиш методикаси

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида кўргазмалиликнинг роли ва ўрни. Кўргазмали қуроллар ва ўқув-техник воситалар ёрдамида фойдаланиладиган материаллар танлашнинг асосий қоидалари*. Кўргазмали қуроллар (диаграмма, графика, жадвал, чизма) ва ўқув воситалари (кодоскоп, телевизор, магнитофон, диктофон)нинг турлари.

Ихтисослаштирилган ўқув хоналарида ўқув-ахборот, техник воситалардан комплекс равишда фойдаланиш*.

Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш методикаси

Ўқув жараёнида талабалар мустақил ишларининг аҳамияти ва роли. Мустақил ишларни ташкил қилиш шакллари ва усуллари. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанларига тааллуқли адабиётлар билан ишлаш малакасини шакллантириш. Ўқиш жараёнини қисмларга ажратиш, тезислар, иқтисодий луғатлар, энциклопедиялар, йўриқномалар, хатлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда статистик маълумотлар билан ишлаш маданияти ва техникаси. Талабанинг рефератлар, курс ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилишнинг асосий услубий қоидалари*.

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитиш жараёнида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси

"Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида назоратнинг ўрни ва роли. Назоратнинг шакллари: семинар

машғулоти, ёзма назорат ишлари, курс ишлари, маслаҳат соатлари, мунозара, коллоквиум, жорий синов, имтихон, давлат имтихонлари, барча назорат шаклларининг ўзаро боғлиқлиги*. Талабалар билимини текшириш ва унинг вазифалари. Маслаҳат соатларининг ўқув жараёнидаги роли*. Рейтинг тизимининг моҳияти.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитиш жараёнида қуйидаги замонавий техник воситалардан фойдаланиш кўзда тутилган:

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жиҳозлар;
3. Диапроектор;
4. Кодоскоп;
5. Графпроектор;
6. Интернет сайтлари:

- <http://www.finstat.ru/>
- e-mail: valeo@etel.ru

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралик баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ "ёзма иш" шаклида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби "рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича 55 фоиз ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган

ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (қарздор) деб ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Адолат, 1999.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Беганов В.С., Шаулов Д.И., Кан У.Т. Финансовая политика, налоги и налогообложение. -Т.: Мир экономики и право, 1998.
6. Брызгалин А.В. Налоги и налоговое право. -М.: Аналитика пресс, 1999.
7. Йўлдошев М., Турсунов Е. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
8. Налоги и налогообложение. Практикум. Учеб. пос. - М.: Аналитика пресс, 2000.
9. Шаулов Д.И., Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
10. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудитинформ, 2000.
11. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Гафур Ғулом, 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилиги бўйича норматив актлар тўплами. 1-2 қисм. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.
2. 2003 йил солиқлари ва мажбурий тўловлар бўйича маълумотнома. -Т.: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази, 2003.
3. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом. -Т.: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази, 1999.
4. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб муаммолари. -Т.: Академия, 2002.
5. Яҳёев Қ. А. Солиққа тортиш имтиёзлари керакми? // Солиқ тўловчилар журнали 1998.
6. Мешерякова О. Налоговые системы развитых стран мира.-1995.